Уларни пиширишда совук сувга солинади ва паст оловда қайнатилади. Гуруч, макарон, вермешель, угра каби маҳсулотларни қайнатиган сувга солиб пиширилади.

Пўноги дарз кетган тұхумни тузли сувга солиб пиширишсангиз, ёрилиб кетмайди.

Козонга сув, сабзи, шолом, пиёз ва гүшт солиб мидиратиб қўйсангиз, вақтингиз анча тежсалади. Сабзатоларнинг мазаси ва гүштдаги ёғ аралашиб, яхшигина қайнатма шўрва ҳосил бўлади. Косаларга сужагач, қотган нон солсангиз, у бўртиб, хушхўрлиги ортади, тўқтутар овқат бўлади.

А. ИСОМИДДИНОВ тайёрлади.

ТАНЛОВ ФОЛИБЛАР АНИКЛАНДИ

Газетамизнинг 29-сонида зълон қилинган “Ютукли сканворд” танлови бўйича мухлислардан 300 га яқин жавоб олдик. Жавоблар почта, факс, хатто интернет орқали ҳам юборилган.

Республика “Кўриқлаш”
Бирлашмаси бўлинмаси ходи-
ми Мохира Ниятова биринчи
бўлиб тўғри жавоб йўллаб,
танлов галиби бўлди.

Карши шаҳридаги 34-ўрта мактаб ўқувчиси Санжар Аста-нов ва "Самарқанд почтаси" акциядорлик жамияти ҳисобчилиси Диљшода Мұхтаровалар эса "Постда" газетасига йилнинг охиригача обуна қилинадиган бўлди.

Танловга түгри жавоб йўлла-
ганлар:

18 июля куни. Бибихадича Умарова (Термис шахри), Мадина Тишанова (Тошкент вилояти, Кибрай тумани), Шухрат Норбоев (Тошкент вилояти, Юкоричирчик тумани), Фанишер Эшонкулов (Тошкент шахри), Д. Саттарове (Тошкент вилояти, Зангизора тумани), Г. Нормуродова (Тошкент шахри), Фарход Хайдитбоеv (Тошкент шахри), Эзали Сидиков (Фарғона вилояти), Ш. Атамуродов, М. Собиров, Б. Турсынбоеv (Тошкент шахри), Гулнора Бегматова (Тошкент шахри).

19 июля куни. Мухлиса Косимова (14 ёш, Тошкент шаҳри), Ойша Абдуллаева (Урганч шаҳри), Назокат Худоёрова (Андижон шаҳри), Б. Солиҳова (Тошкент шаҳри), Захро Каримова (Тошкент шаҳри), Доно Тураев (Тошкент шаҳри), Нӯъмонжон Мирзаев (Тошкент шаҳри), Насим Кораев (Тошкент шаҳри), Баҳром Халмуратов (Тошкент шаҳри), Анора Нарзикулова (Тошкент шаҳри), Нигора Асомхўжаева (Тошкент вилояти, Тошкент тумани), Ю.РАХМОНОВ (Нафарий вилояти), Жасур Отабеев (Бекобод шаҳри), Султон Бобоев (Тошкент вилояти, Чиноз тумани), Т.Мусульмонов (Гулистон шаҳри), Абдулла Расулов (Тошкент шаҳри), Наргиза Мадиёрова (Бардонқўй кишлоги), Мұхабbat Эрматова (Гулистон шаҳри), Гулнора Кабулова (Коракалпакистон Республикаси, Беруний тумани), Рамзиддин Салоҳитдинов (Тошкент шаҳри), Бердебой Рузметов (Тошкент шаҳри), Зухур Кобулова (14 ёш, Тошкент шаҳри), К.Саримсоқоев (Сириялар вилояти, Хоров тумани).


20 июль куни. Фарҳод Каримов (Тошкент шаҳри), Отабек Отабоев (Урганҷ шаҳри), Гулбахор Ҳусанова (Тошкент шаҳри), Гулжонҳон Нормуродова (Карши шаҳри), Гулом Полвонов (Самарқанд вилояти, Жомбой тумани), Жавлонбек Жӯраев (Тошкент шаҳри), Анвар Гуловомов (Самарқанд шаҳри), Д. Мелиева (Тошкент вилояти), Абдуваҳоб Исоков (Тошкент вилояти), Янгийул тумани), Барно Аликулова (Тошкент шаҳри), Баҳром Рузматов (Тошкент шаҳри), Муҳиддин Бегметов (Тошкент вилояти), Бўстонлик тумани), Нодира Кульматова (Ангрен шаҳри), Эркинбой Тоҷибове (Янгийул шаҳри), Лазизбек Хайдаров (Қашқадарё вилояти, У.Юсупов тумани), Мубинжон Икромов (Нурота шаҳри), Отабек Эрназаров (Оқтош шаҳри), Тельмон Ҳайтбоев (Жиззах шаҳри), Баҳтиёр Мўминов (Қашқадарё вилояти, Дехқонобод тумани), Феруза Зокирова (Тошкент шаҳри), Шахноза Усмонова (Фарғона шаҳри).

21 июль куни. Жўрабек Қаландаров (Хоразм вилояти, Урганч тумани), И.Хамидов (Фарғона шаҳри).

22 июль куни Фулом Баҳриев (Қашқадарё вилояти, Косон шаҳри), Шониёз Жовлиев (Самарқанд вилояти, Паастдарғом тумани), Феруз Рузиева (Тошкент вилояти, Паркент тумани), Ғуломжон Мирбобоев (Қўқон шаҳри), Имомназар Ражабов (Карши шаҳри), Абдулла Ибрагимов (Тошкент вилояти), Ф.Ибрагимов (Тошкент шаҳри), Оқила Турробова (Тошкент шаҳри), Гулбахор Норбоеva (Тошкент шаҳри), Малиха Машарипова (Тошкент вилояти, Кибрай тумани), Дурдиев Джапгасбек (Қорақалпигистон Республикаси, Хўжайли шаҳри).

23 июль куни. А.Деҳжонов (Фарғона шаҳри), Зарина Хатамова (Тошкент шаҳар), Шахноза Жӯракуловна (Тошкент вилояти, Зангиотум тумани), Акмал Олмосов (Қашқадарё вилояти, Ю.Юсупов тумани), Олтингул Холмухонова (Хоразм вилояти, Гурлан тумани), Жӯракулов Абдухалик (Сурхандарё вилояти, Денов тумани), Нодира Болтахъяева (Тошкент шаҳри), Н. Дўсткараева (Тошкент шаҳри), Машхура Азимова (Тошкент шаҳри).

ни сураймиз.
Танловда иштирок этган барча муштариylаримизга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.



Ажинларда қувноқлик жилва қилганига нима етсин! Нуронийлик деб шуни айтадилар.

КИСКА САТРЛАРДА

Истеъфодаги ички хизмат подполковниги Иван Живицкий ўттиз йилдан ортиқ ички ишлар идораларида хизмат қилди. Курлиш бўлимнинг муҳандиси сифатида Ички ишлар вазирлиги тизимида бунёд этилган кўплаб бинолар куришига бош-кosh бўлди. Ҳозир пенсияда, дам оляпти. Яқинда Иван Никитович ИИБ Фахрийларни ижтимоий кўллаб-кувватлаш жамоатчилик марказига таклиф этилди ва туғилган куни муносабати билан 20 минг сўм хайрия пули берилди.

Кўшкўпир туманида ички ишлар идораларида кўп йиллар хизмат қилиб, ҳозирда пенсияда бўлган милиция фахрийлари билан тез-тез учрашувлар ўтказиб туроради. Яқинда бўлиб ўтган ана шундай тадбирда туман ҳокимлиги, прокуратура, суд идоралари вакиллари иштирок этдиар. Фахрийлардан Пирнафас Ибрегимов, Бекмат Фиёсов, Ражаббай Нурматов ва бошқалар сўзга чиқиб, айни кунларда жамоат ишларидаги иштироклари, жиноятчилик ва ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш бора-сида кўрсататётган ёрдамлари ҳакида гапирдилар.

Тошкент вилояти ИИБ Фахрийларни ижтимоий кўллаб-кувватлаш жамоатчилик марказида фахрийлар ташкилотлари вакилларининг Ўзбекистон Республикаси ИИБ тизимида ички ишлар идоралари бўлинмалари фахрийлари ва ёш ходимларга Мурожаатини ўрганишга багишланган йигилиш бўлиб ўтди. Фахрийлар кенгаши раиси Муҳиддин ҳожи Иноғомов сўзга чиқиб, Мурожаатдан келиб чиқадиган вазифалар хусусида гапирди. Йигилиш иштирокчиларининг таклифлари асосида қарор қабул қилиниб, жойларга жўнатилди.

“ҚАДРДОН БОРИС АКАМИЗ”

Саксон ёши қоралаган истеъфодаги милиция подполковниги Борис Дмитреевни наманганликлар яхши танишади. У хизмат қилган тумонлар фуқаролари:

– Борис ака ишлаган даврда унга ўғрилар, каззоблар, товламачилар дуч келиб қолишса тиллари калимага келмай қоларди, – дей эслашади.

Татаристоннинг Бугульма шаҳрида туғилган Борис-нинг ёшлиги қадим Бухорода кечди. Ўн саккиз ёшида, яъни 1942 йили иккичи жаҳон урушига отланди. 1943 йилнинг апрелида Россиянинг Саратов шаҳри ёнида биринчи бор немислар билан рўбарў келди.

Кўплаб жангларда иштирок этди. 1944 йил баҳорида унга душман жойлашган қишлоқга бир бўлинмани бошлаб боришга бўйруқ бериди. Сафдошлари олдида дадил кетаётган Борисни пистирмадаги душман сизб қолади. Отишма бошли-

Ehtirom

2002 йил – Қарияларни қадрлаш йили

МАХСУС
САҲИФА

Инсон ҳаётининг мазмуни ўз ортидан қолдирган эзгу ишлари билан белгиланади. Шу нуқтаи назардан ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги милиция полковники Бегали ака Раҳмоналиевнинг босиб ўтган йўли барчага ибрат бўла олади.

ҚАЛБИ ДАРЁ, КАМТАРИН ИНСОН

Бегали ака 1971 йилда Ички ишлар вазирлигининг Тошкент олий милиция мактабини таомомлаб, вилоят ички ишлар бошқармасида терговчи, Ўзбекистон тумани ИИБ бошлигининг ўринбосари, бўлим бошлиғи, Фаргона вилояти ИИБ бошлигининг ўринбосари лавозимларида хизмат қилди. Жиноятчиликка қарши кураш, содир этилган жиноятларни фош этишдаги бой амалий тажрибаси, меҳнатсеварлиги туфайли хизмат пиллапояларидан кўтарилиб бора-верди.

1988–1998 йилларда Б. Раҳмоналиев Қашқадарё ва Фаргона вилоятлари ички ишлар идораларида раҳбарлик лавозимларида ишлади. – Ўзаро ҳурмат одамларнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаб боради, – дейди Бегали ака. – Ичиди бирорга нисбатан хасад, адовар бўлган одам ўз келажагига птур етказади. “Бу яхши одам” деган номга эришиш осон эмас. Бунинг учун тинимизиз меҳнат қилиш, ҳалол бўлиш керак.

Бегали ака худди ана шу сифатларни ўзида му-жассамлаштира олган,

эл-юрг эътиборига тушган мўтабар инсон. Кўп йиллик хизмати давомида ички ишлар идоралари фаолиятини замон талблари асосида ташкил

қилиши учун қулиш шароит яратилганини Бегали ака Раҳмоналиев фаолиятининг ёрқин саҳифаларидан бири десак, му-болага бўлмайди.

Истеъфодаги милиция полковники Бегали Раҳмоналиев Фаргона вилояти ИИБ шахсий таркиби-ни тарбиялаш, ижтимоий-хукуқий ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи лавозимларида хизмат қилган даврида шахсий таркибининг маънавий-маърифий билим савиясина оширишга, ходимларда миллий қадриятларимиз, урфодатларимиз ва маънавиятимизга чукур ҳурмат ҳиссина тарбиялаш ишига алоҳида эътибор қаратди.

Бегали Раҳмоналиевнинг ҳаёти ва меҳнат фаолияти ички ишлар идоралари ходимлари учун ўзига хос ибрат мактаби бўлиб келяпти.

Б. ОМОНЗОДА,
милиция капитани.

ШОГИРДЛАР ДАВРАСИДА



Суратда: истеъфодаги милиция подполковниги С. Убайдуллаев ёш экспертлар билан.

Қарақалпогистон Республикаси ИИВ раҳбарияти ички ишлар идоралари фахрийларининг ҳурматини жойига кўйиш мақсадида қатор хайрли тадбирлар уюштироқда. Улар билан учрашувлар ўтказиши, дастурхон ёзб бир пиёла чой устида суҳбатлашиш одат тусига кирган. Фахрийларнинг хизмат фаолияти давомида ортирган бой тажрибалари ёш ходимларга намуна қилиб қўрсатилаяпти.

Истеъфодаги милиция капитани Полатбой Атамуротов Тахтакўпир тумани милиция ходимларининг меҳрибон устозига айланган. Кекса осои йишталиқ посбони тез-тез шогирдлари даврасида бўлиб, ўзининг қимматли маслаҳатларини бериб турди.

Узоқ йиллар экспер特-криминалистика соҳасида ишлаган, истеъфодаги милиция подполковниги Сарсенбай оға Убайдуллаев ҳам ёш эксперталар билан суҳбатлашиб турди.

Д. ХУДОЙШУКУРОВ.

совук, эрта-кеч демай элга камарбаста бўлди.

... Ҳаққулободдан бир хонадонда чол-кампирни ўлдириб, уйга ўт кўйиб юборилгани ҳақида хабар кела-ди. Жиноятни очиш ўша пайтда бўлим бошлиғи ўринбосари Дмитреевга топширилади.

Терговчиликда анча синчков бўлиб қолган Борис воқеа жойини обдон ўрганади. Қўрсаки, чоннинг ҳассаси худди бир нарсага урилганда тенг иккига бўлинниб, синиб ётиди. Буни эътибордан қочирмайди.

Суриширувдан маълум бўлишича, шу маҳалладаги М. чолдан пул олиб турган экан. Қидириб борса ёрилган бошини танғиб олиди. Шубҳаси беўрин бўлмаган

Дмитреев М. ни сўрокқа тулади. Аввалига баланд келган йигитнинг кейин попуги пасаяди. У чол билан жанжаллашиб қолганида, марҳум ҳассаси билан ургани маълум бўлди. Сўнг М. болта олиб келиб чонни, гувоҳ бўлиб қолган кампирни ўлдириб, изни йўқотиш учун уйга ўт кўйиб юборганини бўйнига олади.

Борис Дмитреев ички ишлар тизимида 45 йил узулксиз ишлади. Тұрмуш ўртоғы Клавдия Ивановна билан ярим аср биргага яшаб, учқўрғонлик катта-кичик юртдошларининг меҳрини қозонди. Ҳозирда маҳалладошлари уни “қадрдан Борис акамиз” дей эъзозлашиди.

Т. ДАВЛАТОВ,
ички хизмат майори.

... Пайшанбадан пайшанбагача...

ГУМОН АСОСЛИ ЭКАН

Хива тумани ички ишлар ходимлари тезкор тадбирлар вақтида шу ҳудудда яшовчи П. исмли шахснинг уйини текширувдан ўтказиши. Бу хонадондан бекорга гумон қилишмаган экан. Ичкарида яшириб қўйилган 1 килограммдан ортиқ героин моддаси бунинг исботи бўлди.

ҚОТИЛ ТОПИЛДИ

Фарона вилоятининг Қиргули туманида яшовчи М. ўз уйда номаълум киши томонидан бўғиб ўлдирилган эди. Қонун ҳимоячиларининг олиб борган саъ-ҳаракатлари натижасида ушбу қотилликнинг ижрочиси аниқланаб кўлга олинди. У Тошлиқ туманида яшовчи 31 ёшли Д. экан.

КУРОЛЛИ БОСҚИНЧИ

Янгиер шаҳрида яшовчи уй бекаси Р. Ҳатамкулова ўз уйда номаълум кимса томонидан отиб кетилган эди. Ушбу ҳолат юзасидан олиб борилган тезкор қидирив ишларига нуқта қўйилди. Қотил, яъни 1961 йилда туғилган М. исмли шаҳс босқинчилик мақсадида хонадонга кириб, аёлнинг бошига отгани исботланди. Ундан далилий ашё сифатида ясама тўппонча ва унинг 49 дона ўқи олинди.

ЖИНОЯТ УСТИДА

Тошкентнинг энг гавжум жойи – “Чорсу” бозорига “тирикли” учун келган навоийлик муқаддам судланган О. Мўйдинов пул топишнинг осон йўлини танлади. У Қашқадарёдан келган А. Абдураимовнинг қўлидаги 480.000 сўм жойланган сумкасини юлқиб олди-да, қочишига уринди. Бироқ шу яқин орада хизмат бурчини адо этаётган чақон милиция ходимларининг таъқибидан кутула олмади.

ЁШ БЎЛИШЛАРИГА ҚАРАМАЙ

Андижон туманининг Патидинов ширкат хўжалиги худудидан оқиб ўтвичи Қорадарёдан оёқ-қўллари боғлаб, чўқтириб юборилган жасад топилди. Тезкор-қидирив ишлари натижасида мурданинг шахси аниқланди. У Оқер ширкат хўжалигига яшовчи, 1979 йилда туғилган Л. Абдумажидов бўлиб, бир кун аввал фуқаро Ж. Отакуловга тегиши “Tico” русумли автомашинада кира қилиш мақсадида чиқиб кетгани маълум бўлди. Автомашина эса шу куни Пахтаобод тумани худудидан учта фиддиги ечиб олиниб, кейин ёқиб юборилган ҳолда топилди. Тезкор ходимларнинг синчковлик билан ўтказган қидирив тадбирлари натижасида бу ваҳшийлик ижроҷилари – Пахтаобод туманида яшовчи, 1980 йилда туғилган F. ва 1984 йилда туғилган M. лар кўлга олинди. Бу кимсалар гарчи ёш бўлишларига қарамай муқаддам ҳам судланишга ултурган экан.

И. МИНАВАРОВ,
милиция майори.



ФИРИБГАР АЁЛНИНГ НАЙРАНГЛАРИ

Фирибгарнинг асосий қуроли тили бўлса керак. Анора (исмлар ўзгартирилган) хушмуомала, кўнглингиздаги гапни топиб, ўзига ром этадиган аёл. Шунинг учун ҳам айрим одамлар унинг ширин ёлғонларига учиб қўли билан берган пул ва бошқа қимматбаҳо молларини ҳанузгача ололмай сарсон. Хушсурат бу аёл “кар” деворни ҳам гапирига олади.

Урганч туманилик Адҳам Анорага 1000 АҚШ долларли туродиган аёллар норка пальтосини қандай қилиб бериб юборганини билмайди. Қанча вакт ўтган бўлишига қарамай на пулдан, на пальтодан дарак бор.

Анора Урганч шаҳар деҳқон бозорида Шерозий кўчасида яшовчи Раҳимжоннинг учта “Моторола” русумли уяли телефонларини олиб, қайта қорасини кўрсатмади. Шаҳарнинг Амир Темур кўчасида яшовчи Рима ҳам унинг ўй топиб бераман, деган сўзларига учиб, 400 АҚШ долларига тушди.

Урганч шаҳрилик тадбиркор Равзия гарчи савдо-сотиқ соҳасида анча тажриба ортирган бўлсанда, Аноранинг найранги олдида ожиз қолди. Фирибгарнинг асосий қуроли тили бўлса керак. Адҳам Анорага 1000 АҚШ долларли туродиган аёллар норка пальтосини қандай қилиб бериб юборганини билмайди. Қанча вакт ўтган бўлишига қарамай на пулдан, на пальтодан дарак бор.

Анора фирибгарлик ўйлида ҳеч нарсадан қайтмади. Тўғри келган одамни лақиллатиб, пулни олаверди. Ҳатто урганчлик Мавлон исмли фуқаронинг 10 минг сўмлик бана, киви ва

рулетларини олиб кетишдан уялмади.

Матлуба ҳам жуда солда аёл экан. Аввалига Анора ундан 60 минг сўм қарз олди. Кейинроқ ҳозир пулим йўқ, пулни сотадиган нарсангиз бўлса пуллаб, фойдасидан чиқариб бераман, дега туркман гилами, беш кишилик брэзент палатка, жами 460 минг сўмлик молларни фирибгарлик йўли билан олиб қўйди. Шундай қилиб Анора ўз ҳамюрларидан алдаш ва улар-

нинг ишончини суистемол қилиш орқали салкам 10 миллион сўмлик молларни қўлга киритди.

Аноранинг “зафарли юриши”га ички ишлар ходимлари чек қўймаганларида яна қанчадан-қанча киши унинг алдовига учиб, пулдан ҳам, мол-дунёдан ҳам қиммат турувчи соғлиқларини йўқотишарди.

Шу ерда бир мулоҳазани айтиб ўтмоқимиз. Бу аёлнинг найрангига учиб, одамлар узоқ вақт индамай юраверишган. Уларга: “Ҳой одамлар, мол-мулкингиз ошиб кетган бўлса ҳам андиша қилинг. Сизларнинг хотамтойлигинги эвазига олғирлар қандини уриб юрибди. Ҳалқимиз “анқов олғирга ов” деб бежиз айтмаган-ку!”, дега таъналар қилгимиз келади.

П. ҲАСАНОВ,
милиция майори.
М. АБДУЛЛАЕВ,
милиция капитани.

Қилмиш – қидирмиш

“ЭРКАКЧА ГАПЛАШИШ”

Содир этилаётган жиноятларнинг аксарияти спиртли ичимликларни меъёридан ортиқ истемол қилиш оқибатида юз бермоқда. Маст ҳолда жиноят содир этилиши натижасида бегуноҳ инсонлар бир умр ногирон бўлиб қолмоқдалар ёки ҳаётдан бевақт кўз юммоқдалар.

Телевизорда байрам концертини кўриб ўтирган Илҳомни кўчада кимдир чакириди. Чикса, тенгкур дўстлари. Илҳом уларни уйга таклиф қилди. Лекин бир оз кайфи бор йигитлар бу таклифа рози бўлмай “Атаганинги олиб чиқ”, деб ҳазиллашиди. Илҳом уйдан бир шиша ароқ ва газак олиб чиқсанда дўстлари йўл четидаги тижорат дўконининг ёнида ўтиришарди. Ароқ ичилиб, тарқалмоқчи бўлишгандан уч-тўрт кишининг овози эшишилди. Улардан бирни дўконча ёнидан ўтаётib:

– Илҳоммисан? Нима қилиб юрибсан? – деда унинг ёнига келди. Қолганилари ҳам Илҳом билан кўришиди.

– Кўлимни нега қаттиқ қисдинг? – ўшқириди кутимаганда баланд бўйли, басавлат Асқар исмли йигит Илҳомга дағдага билан. Илҳомни уйга кирмай, ҳаяллаб кеттанидан хавотир олиб кўчага чиқсан акаси Фарохиддин бу вазиятни юмшатишга уринди.

– Ичкликдан сўнг ўзларича “шер” бўлиб қолган Асқар билан Даврон унинг ортидан кувиб етишиди. Фарохиддиннинг юз-кўзларига мушт туширишиб, ерга йикитишиди. Сўнгра унинг чап кўкрагига пичноқ санчиб, воқеа жойидан фойиб бўлдилар.

Илҳом акасини зудлик билан касалхонага олиб келди. Шифокорларнинг саъ-ҳаракатлари туфайли жабланувчининг ҳаёти сақлаб қолинди.

Яқинда Андижон вилояти жиноят ишлар бўйича суди ичкликка ружу қўйиб, бир бегуноҳ инсоннинг ҳаётига хавф солганларнинг жиноят ишларини кўриб чиқиб, уларга муносиб жазо тайинлади.

А. БУЗРУКОВ.

УЛУШИ НАСИБ ЭТМАДИ

– Дилором (исмлар ўзгартирилган), сенга бир гап айтмоқчиман. Оғзингдан гуллаб кўймайсанми? – Аваз аёлга қаттиқ тикиди.

– Гуллаб ўлибманми? Фойдали гапни ўзи, акахон? – у ҳиринглади.

– Мол бор. Пуллаш керак.

– Мижоз топиш биздан-да. Улушимни чиқиб берсангиз бўлди.

Шу тарзда оғзаки, қисқа битим тузилди. Дилором кўп бosh қотириб ўтирасдан акахоннинг уйда туриб, савдосини қизитиб юборди. У “инсоф билан” ҳар ярим грамм героиннинг устига минг сўм устама нарх кўйиб пуллай бошлади ва мўмай улушни ҳамёнига ураётганида кўлга тушди.

Хонадон соҳиби: “Менинг бундан хабарим йўқ!” – деб туриб олди.

Бу ёги қизиқ бўлди-ку. Киши ўзининг уйда ким турганини, у нима иш билан машгулигини билмаса? Шубҳага борган тезкор ходимлар текшириш чоғида хонадонда яширилган бошқа герони ўрамини ҳам топишиди. Бундан ташқари Аваз айнан уйда гиёхандлик моддаларини ноқонуний сақ-

лагани учун муқаддам бир неча бор судлангани аниқланди.

Дилоромга келсак, албатта у ҳам илгари оппоқ фаришта бўлмаган. Бухоро шаҳрида хусусий фирмасига эга бу аёл муқаддам судланган. Унга нима етмаган экан, деб ўйлайсан киши. “Ўзи тўйса ҳам, кўзи тўймайди”, деб шундайларга нисбатан айтишса керак-да. Хуллас, унга улуши насиб этмади.

О. РОПИЕВ,
милиция катта лейтенанти.



БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН



Сирдарё тумани ИИБ томонидан 1978 йилда туғилган Дилбар Ражаповна ХОЛОВА қидиримоқда. Қозогистон Республикаси Жанубий Қозогистон вилояти Махтаорол туманида яшаган. 2002 йил 12 июнь куни Сирдарё тумани “Ҳакикат” ширкат хўжалиги С. Холматов кўчаси 13-йдаги истиқомат күлгичи оласи А. Рўзикуловнинг хонадонига меҳмонга келган ва шу куни ўйга кетдим, деб чиқиб кетиб, бедарак йўқолган.

Белгилари: бўйи 160-165 см, озғин гавдали, сочи қора елкасига тушади.

Алоҳида белгилари: тишилларнинг тепа қисмидаги тўрттаси сариг металлдан ясалган, ақли зиф, саволларга яхши жавоб беролмайди.

Кийимлари: эгнида сиёҳ ранг ялтироқ кўйлак, қизил гулли лозим, бошида яшил рўмол, оёғида оқ туфли бўлган.

Д. Холован кўрган ёки қаердалигини билганлардан яқин орадаги милиция бўлимига хабар беришларини сўраймиз.

ҚИДИРИЛМОҚДА



Сирдарё тумани ИИБ томонидан Одил Ибрагимович ИБРАГИМОВ жиноят содир этиб терговдан кочиб юргани учун қидиримоқда. 1975 йилда туғилган. Сирдарё шаҳри Туркистон кўчаси 65-йдаги яшаган.

Белгилари: бўйи 165-170 см, озғин гавдали, сочи, кўзи, коши қора.

О. Ибрагимовни кўрган ёки қаердалигини билганлардан яқин орадаги милиция бўлимига хабар беришларини сўраймиз.

Мұнисабат

Бу жыноттинг бир қараша күплад болша үгриликтерден фарқи йўқ. Навоий туманида истиқомат килувчи, муқаддам қамалиб чиққан Нормурод (исмлар ўзгартирилган) Тошкентга келиб мавсумий ишлар билан шугулланиб турарди. Узок жойга қатнаганидан кейин йўлга, еб-ичишига ҳам анча-мунча харажат қилишга тўғри келарди.

Бир гал Тошкентдан келиб, бола-чақасини кўриб “бир-икки кун дам олиб яна шаҳарга кетаман-да” деб дарвозаси олдида ўйланиб турганида ҳамқишлоғи Асрорни кўриб қолди. Ҳол-аҳвол сўрашиди.

– Тириклий тошдан қаттиқ деб юрибмиз-да пойтахтиликлар-

зорда кўриб қолса ёки отни танишса шарманда бўларди. Вобкентда эса божаси туради. Ўшани қора тортиб кетаверди.

Эртасига – якшанба куни эрталаб калла саҳарлаб божаси-нигига етиб боришиди.

– Манави жиён отини сотмоқчи экан. Ўйланяпти. Тўй харажатига ҳарна ёрдам бўлади, – изоҳ берган бўлди Нормурод.

– Үгрилик мол эмасми, ишқилиб? – божаси отасига эшиттирмай мугомбirona қараб сўради.

– Йўғ-е, божа, – кўл силтаб кулди Нормурод.

Нонушта қилишгач божаси Нормуродга бозор йўлини кўрсатиб юборди.

Харидорлар ҳам, от жаллоблар ҳам анои эмас. Четдан кел-

энди ўн еттидан ошган) ҳам ўғирикка ундан ошган. Нега?

Энг осони бели оғримай нонегиси келди, деб изоҳлаш. Суришириб келса, ҳозир кўпчилик жонини койитмасдан пул топгиси келади, фойданинг кетидан қувади. Нега одамлар дунёқарашида бундай ўзгариш юз берган? Асрорнинг қилимишини факат моддий мұхтоҗлик билан изоҳлаш бўлмайди. У насибасига ярasha пул топаётганди – қора қозони қайнаб турганди. Бирордан олдин, бошқадан кейин турмуш кечираётганди. Азбаройи йўқилийдан ўгриликка кўл урганида, буни уят, номус деб билганида уласини бу йўлга бошламасди. Қолаверса, бирорга режесини ошкор қилишга уяларди. Гунохга ботсан бир

қолиб ўз қариндошларига улашади, ширкат ҳўжалиги раиси пора эвазига ижарага ер беради деб ҳисоблайди бу кишилар.

Одамлар кўпинча адолат истаб Тошкентга келишади. Ҳатто, ўқитувчиларнинг ҳам бор билимини ўқувчисига бегараз бермай, сотадиганлари бор экан. Шундай бўлгандан кейин ҳалиги маҳалла оқсоқоли қандай қилиб кўпга бош бўлиб юришига ўзида маънавий ҳуққ сезади. Бор-ку топиб берар, ўйқдан хеч нима чиқмаганини кўриб кўнглидагидай муолажа қилмаган қасамхўр шифокорни Гиппократу Ибн Синонинг арвоҳи урмайдими? Ўзи тамагирлик қилиб турган, устоз деган буюк номни кўтариб юрган бундай ўқитувчи кай юз билан одоб-ахлоқ, маъ-

ноятнинг иқтисодий, ундан ҳам бурун маънавий илдизларини куритиш лозим. Токи инсон ўғирилик, тамагирлик, фирибагарлик қилишдан аввало, ўзи ўз виждан олдида уялсин. Жамиятимизда бундай маънавий мұхитни вужудга келтирища катта-қичик раҳбарларнинг ўрни, намунаси бекиёсdir.

Ҳакиқий тарбия жойи қамоқхона эмас, жамият бўлиши керак. Ахир, жаони ижро этиш муассасасида битта тарбиячига нечта тарбияланувчи тўғри келади? Бунинг устига у ерда тескари тарбиячилар, яъни ашаддий жынотчилар маҳкум тарбиясига акс таъсир қилиши ҳам мумкин. Озодликда битта тарбияланувчига нечта тарбиячи тўғри келади? Мактаб, маҳалла, ота-она, қавм-қариндош, қанчаканча жамоат ташкилотлари, “маънавият ва маърифат” марказлари. Нега унда натижа кўнгилдагидек бўлмаяпти? Балки бунинг сабаби гапимиз билан ишимиз тўғри келмаётгандадир? Одамлардан хеч нарсанни яшириб бўлмайди.

Яна ҳалиги жыноттага қайтасак. Маҳалла идораси Аброрга салбий тавсифнома берган. Энди 17 ёшга тўлган йигитча қаҷон маънан бузилиб ултурдиди? Уни салбий тавсифлаган раҳбарлар бунинг олдини олиш учун нима қилишди? Шу ҳудуддаги профилактика инспекторичи? Умуман, ҳар бир маҳалла учун профилактика инспектори тайинланишидан мақсад нима эди? Номи ҳам айтиб турибди – жынотларнинг олдини олиш эди. Инспектор билаги, юраги куч-ғайратга тўла йигит қофзода пудратчи бўлгани билан вақтида маош олмаслигини, бекор юрганини билгандир. Хўш, унинг тайинли ишга жойлашишига кўмак бердими? Жынотнинг олди шу тарзда олинадида.

Биз сўнгги пайтларда айрим юртдошларимизнинг эҳтиётсизлиги, содда-ишонувчанлиги оқибатида чув тушгани ҳалида тез-тез ёзяпмиз, одамларни эҳтиёткорликка чакирипмиз. Эҳтимол, бу ҳам керақдир. Бирорга қарз берсангиз нотариусда расмийлаштиринг, деб тавсия киляпмиз. Ҳатто, ўз қариндош-уруғидан қарз олиб бермаётгандар ҳам бор деялмиз. Лекин киши бош эгиг қарз сўраб чиқкан жигарига қайси юз билан “Юр, нотариусда расмийлаштирамиз!” дейди? Унда одамгарчилек, инсоф, андиша қаёқда қолади? Шунинг учун на заримда биз аввало маънавий қадриятларимизни эъзозлаш ҳалида бонг уришимиз керак эмасми? Шоир айтганидай: қалбимиз инсоф, иймон, виждан каби эзгу хислар қўриқхонаси деб билайлик, уларни асрар авайлайлик:

Вижданни асраниз
ҳар недан ортиқ,
Ягона заминни
асрагансимон.

Боболардан қолган
бу ноёб тортиқ
Токи авлодларга
етолсин омон.

Маънавий дунёмиз бой, тўқис бўлар экан, бошқа етишмовчиликлар, камчиликлар аста-секин ўз-ўзидан барҳам топиб бораверади. Мен шундай ўйлайман.

Бобомурод ТОШЕВ.

МАЪНАВИЙ ДУНЕМИЗ БОЙ БЎЛСА...

нинг юмушини қилиб, тўрт-беш танга топиб. Нима қилиб бўлса ҳам бола-чақани боқиш керак, – уялгандай кулимсиради Нормурод.

– Тириклийнинг айби йўқ. Лўлининг эшагини супор – пулни ол деганлар, – далда берди Асрор. – Ўзимиз ҳам ота-бобомиз қилмаган ҳунарни қилиб юрибмиз. Бу ердан кўтарасига гўшт сотиб олиб, Тошкентда тўрт-беш сўм қимматига пуллайман. Гоҳида фойда қиламан, гоҳида сарф-харажат билан учмачу келади.

– Э жўра, шу замонда пул тошип осон, йўқотиш ундан ҳам осон бўлиб қолди. Орттириб бўлмаяпти, – нолиди Нормурод.

– Хўп десанг, бир иш бор, – шивирлашга ўтиди Асрор. – Харажат ҳам қилмайсан, унча куч ҳам сарфламайсан, нақ фойда кўрасан.

– Текин лўкма қопқонда бўлади, – айёрлик билан кулди Нормурод. – Биламиз, бошимииздан ўтган.

– Эҳтиёт бўлиб, қопқонга тушмасдан лўкмани олиб қочамиз-да. Бўлмаса бир умр нолиб юраверамиз. Нима дединг?

– Нима иш экан ўзи?

– Кечкурун укам Аброр келиб айтади. Бирга борасизлар.

Иккинчи марта ака-укалар Асрор билан Аброр бошқа ҳам-қишлоқларининг бир бош сигирю икки бош ҳўқизини ўғирилашди. Учинчи гал орадан ярим йиллар ўтиб ўғириликка учкови бирга борди. Бу сафар уч бош ҳўқизни ўғирилаб, Фиждувон бозорида сўтишиди.

Маколамиз бошида ёзганимиздек, бунга ўхшаган жынотлар ҳар бир вилоятда юз бериб турибди. Аслида ана шу ўхшаш ўғириларнинг ортаётгани мени ўйлантириб кўйди.

Тан олиш керак, илгарилари қишлоқ ҳойларида ўғирилик, жумладан мол ўғирилиги кам соидир этилган. Эсимда, болалик кезларим катталар “Ота-бала фалончилар мол ўғриси” дейишарди. Ҳақиқатан, бирорнинг сигиримизни ўз қўйими йўқоласа, ўшаларнинг иши бўлиб чиқарди. Ота-бала ўғрилар қамалиши билан то озодликка чиқишганича яқин атрофдаги қишлоқларда бирорта ҳам мол йўқолмасди. “Суюнчи” фильмидаги онахоннинг дарвозасига отнинг калласидай кўлғи солган ҳамқишлоғини таъна-дашномларга кўмиси ўша пайтлар учун табиий ҳол эди.

Хўш, нима учун ҳозирга келиб кутмаган одамларимиз ҳам ўғириликка кўл урятди? Агар биз баён килган воеа тескарисига юз бериб, Нормурод Асрорга бу ишни тақлиф килганда ҳам, мен одатдаги қолига тушиб олиб, собиқ жынотчи ўз қилмишидан тўғри хулоса чиқармади, бошқалар ҳам кетидан эргаштириди, деган бўлардим. Ваҳоланки, ҳали жынот кўчасига кирмаган киши бу ишни бошлаяпти, ҳатто ҳали вояга етмаган уласини (Аброр

ўзим ботай деб ишни ими-жимда амалга оширади.

Масаланинг ташвиши томони ҳам шунда-да. Пул топиш, бойлик орттириш йўлида ўғирилик, алдамчилик қилишдан тап тортмайдиганлар сўнгги пайтда хийла кўпаймадими? Нега шундай бўляпти? Газетамида мол, сим ўғрилари, ҳатто қабристонлардаги панжараларни ўмарувчиликлар, турли қаллоблар, фиригарлар ҳалида хабарларга кўзингиз тушади. Наҳотки, буларнинг барчасини моддий қийинчиликлару қонунларни билмаслик билан изоҳлаб бўлса. Йўқ ва яна бир бор йўқ. Илдиз бундан-да чукурорк кетган.

Неча йилдирки, бозор иқтисолиёт мунисабатлари шароитида яшаяпмиз. Кўп нарса пул, фойдаю зиён билан ўлчаняпти. Биздан олдин бу тараққиёт босқичини бошдан кечирган мамлакатлар биринчилардан бўлишгани учун вақтида муайян хатоликларга йўл қўйган, оғир моддий ва маънавий инқизозларни бошдан кечирган. Юртбошимиз бунинг олдини олишни назарда тутиб кучли ижтимоий сиёсатни устувор йўналишлардан деб билаятилар, маънавиятга, миллий истиқол мағкурасига катта эътибор бериб келяптилар.

Лекин буни ҳар биримиз ўз вазифамизни бажариш чоғимизда чукур англаб, ишимиизга татбиқ этяпмиз? Ҳусусан, жойлардаги маҳаллий раҳбарлар ҳандай қилсан туманим, жамоам, қишлоғим, маҳаллам тараққий топади, иш ўринлари кўпаяди, одамлар тириклий кетидан шаҳарма-шаҳар сарсон бўлмайди деган ўй-ташвишда яшаяптими? Баъзи ҳолларда ҳадейиш қийин.

Нега бундай деяпман? Чунки бугунги кунда жынотта кўл ураётгандарнинг анча-мунчаси бу иши учун жазоланишини билса ҳам, аммо қилмишини уят деб ҳисоблайди. Бунга тириклий кетидан шаҳарма-шаҳар сарсон бўлмайди деган ўй-ташвишда яшаяптими? Баъзи ҳолларда ҳадейиш қийин.

Фақат жынотчанинг тутуб қамаш билан иш битмайди. Жи-



Савол: – Суд тергови жараёнида жабрланувчи маънавий зарарни ундириш ҳақида даъво қўзга-тиши мумкинми?

A. РАҲИМОВА,
уй бекаси.

Жавоб: – Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 57-моддасига мувофиқ жабрланувчи, яъни жиноят туфайли маънавий зарар кўрган шахс жиноят иши юритилиши жараёнида маънавий зарарни қоплаш ҳақида фуқаролик даъвосини қўзғаш ҳуқуқига эга. Агар жиноят иши кўрилаётганда маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги даъво ариза берилмаган ёки ҳал этилмаган бўлса, ФПКнинг 245-моддасига мувофиқ бундай даъво фуқаролик иш юритиш тартибида кўрилиши мумкин.



Савол: – Жисмоний шахслардан транспорт воситаси учун ундириладиган мулк солиги ўрнига машинасига бензин, дизель ёнилгиси ёки суюлтирилган газ ишлатганлиги учун янгича солиқ жорий этилган, деб эшитдим. Шу ҳақда мълумот берсангизлар?

И. БАДАЛБОЕВ.
Тошкент вилояти.

Жавоб: – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажмасининг 2001 йил 31 декабрдаги қарорига мувофиқ 2002 йил 1 январдан бошлаб жисмоний шахсларнинг транспорт воситалари бўйича ундириладиган мулк солиги ўрнига жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёнилгиси ва суюлтирилган газ ишлатадиги учун олинадиган солиқ тури жорий этилган.

Унинг миқдорлари кўйидагicha:

1 литр бензин, дизель ёнилгиси учун – 20 сўм. 1 кг суюлтирилган газ учун – 17 сўм.

Ушбу солиқ ставкаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажмаси томонидан белгиланган бўлиб, унинг миқдори республикамизнинг барча худудида ягонадир.

Солиқ суммаси бензин, дизель ёнилгиси ва суюлтирилган газ чакана нархига қўшимча қўйилиб, жисмоний шахс харидорга бериладиган чекда алоҳида кўрсатилади, яъни солиқ суммаси жисмоний шахсларга сотилаётган бензин, дизель ёнилгиси ва суюлтирилган газ учун олинадиган тўловлар билан бир вақтда ушлаб қолинади.



Савол: – Ёшим ўн олтида. Ота-онамнинг розилигини олиб, тадбиркорлик билан шугулланаяпман. Айтинг-чи, менга суд томонидан тўла мумомала лаёқати берилиши мумкинми?

Ш. НЕЪМАТЖОНОВ.
Янгийўл тумани.

Жавоб: – Албатта. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 28-моддасига мувофиқ, ўн олти ёшига тўлган вояга етмаган шахс меҳнат шартномаси бўйича ишлайдиган бўлса ёки ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёхуд ҳомийсининг розилигига биноан тадбиркорлик фаолияти билан машғул бўлса у тўла мумомалага лаёқатли, деб эълон қилиниши мумкин.

Вояга етмаган шахсни тўла мумомалага лаёқатли деб эълон қилиш (эмансипация) ота-она, фарзандликка олувчилар ёки ҳомийнинг розилиги билан васийлик ва ҳомийлик органининг қарорига мувофиқ ёхуд бундай розилик бўлмаган тақдирда, суднинг қарори билан амалга оширилади.

Ота-она, фарзандликка олувчилар ва ҳомий эмансипация қилинган вояга етмаганинг мажбуриятлари, хусусан у етказган зарар оқибатида келиб чиқсан мажбуриятлар бўйича жавобгар бўлмайди.

Жавобларни ҳукуқшунослар Н. ҲАБИБУЛЛАЕВ ва X. МУСАБОЕВАлар тайёрлаши.

Тошкент шаҳар ИИББ ҳузуридаги Кўриқлаш бошқармаси раҳбарияти ва шахсий таркиби шу бошқарма катта инспектори, милиция майори

Тоғик Октай ўғли ГАСАНОВнинг бевакт вафот этганини муносабати билан мархумнинг оила аъзолари ва яқинларига чукур ҳамдардлик билдирадилар.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Тиббиёт бошқармаси раҳбарияти ва шахсий таркиби бошқарманинг "Дармону маълҳам" унитар корхонаси бошлъи Е. Насретдиновга падари бузруквори ЯХЁ отанинг вафот этганини муносабати билан чукур ҳамдардлик билдирадилар.

ҚИДИРГАН – ТОПАРКАН...

Оқ олтин тумани ИИБ ходимлари "Антитеррор" тадбири давомида Сардоба қўргони марказида соат 21.00 ларда маст ҳолда юрган, амнистия туфайли озодликка чиқиб, назоратда бўлган Ш. Юлдуз исмли йигитни кўриб қолишиди.

Уни туман ИИБ үралган ҳолда топиб олдим, – дея кўргазма берди Юлдуз. – Ўзим истеъмол қиласман, деб чўнгагимга солиб қўйгандим...

Тадбир давомида шу қўргонда қўлга олинган Ю. Фозилжоннинг чўнтағидан ҳам 0,45 грамм гашшиш ва 0,1 грамм геронин гиёҳвандлик моддалари (экспертиза холосасига кўра) чиқсан. Қизиги, Ю. Фозилжон ҳам тумандаги автобекатдан оқ ранг

ли номаълум "Дамас" машинасига чиқиб, Сардобага келаётганда ўринидик четида ётган елим халтачани "кўриб қолган". Уни чўнгагига солиб, Сардобага етиб келгач, халтачани очиб ундағи гиёҳвандлик моддаларини татиб қўрган ва нашанинг сифатлигини тушуниб, ўзи чекиши учун "чўнгагига солтган".

Биродарлар, атрофга ҳушёроқ назар ташланг, балки сизлар ҳам бирор нарса "топиб" оларсиз.

Б. ДЕҲҚОНОВ,
милиция капитани.

ФУТБОЛ-ШОУ

Эртадан кейин Ўзбекистон XI миллий чемпионати олий лигасининг иккинчи давра ўйинлари бошланади. 16-турда қўйдаги жамоалар ўзаро куч синашадилар:

3 август (шанба)

"Трактор" – "Машъал"
"Самарқанд" – "Навбахор"
"Бухоро" – "Андижон"
"Сўёдидёна" – "Металлург"
"Зарафшон" – "Қизилкум"
"Кўйкон 1912" – "Нефтчи"
"Насаф" – "Сурхон".

4 август (якшанба)

"Пахтакор" – "Дўстлик".

ҲАМОЮТИМИЗ ТУР ҚАҲРАМОНИ

Ўзбекистон терма жамоаси хужумчиси Максим Шацких ҳозирда Украина чемпионатида карвонбошилик қилаётган "Динамо" жамоасида тўп сурояти. Футболчимиз навбатдаги 4-турда фаоллик кўрсатиб, чемпионат аутсайдерларидан бири – Запорожъенинг "Металлург" жамоаси дарвозасига уч тўп йўллашга муваффақ бўлди.

КОРЕЯЛИК ФУТБОЛЧИЛАРГА КОЙИЛ!

ФИФА 17-Жаҳон чемпионатининг 33 нафар энг моҳир футbolchilarini aniqladi. Чемпионатнинг ярим финал баҳслariiga eтиб борган Жанубий Корея футbolchilariidan "юлдузлар жамоаси" таркиbiga italiyaliklar darvozasiiga "олтин тўп"ни йўллашgan An Чжун Хван,

РЕВАНШ

"Пахтакор" ва "Регар-ТадАз" (Тоҷикистон) жамоалари ўртасидаги учрашувни муҳлислар орзиқиб кутишган эди. Зеро, ўтган йили Осиё кубок эгалари кубогида айнан тоҷикистонлик футbolchilar vakkilari mislimizni sning (2:2; 3:1), mусобақадан четлаштиришганди. Бу галти беллашувда vakkilari mislimiz 8:2 ҳисобида устунlikka erishiб, galaba nashidasi surishdi.

ЯГОНА ТЎП СОЛИЕВ ХИСОБИДА

"Пахтакор" Марказий ўйингоҳида Ўзбекистон – Туркия ёшлар терма жамоалarinig учрашuvni bўlib utdi. Қизfin баҳslardan sunг 50-daқиқадa ҳамюртимиз Анвар Солиев raқib dарvazasiga ягона tўp kiritib, galabani taъminladi.

ЕВРОПА

ТУРНИРИДАГИ ИЛК ҚАДАМЛАР

Ён қўшнимиз – Қозоғистон футбол жамоалари Европа турнирларида ўз дебютларини ўтказишaypti. Чемпионлар лигасида iшtiyork ettaётgan Ostonanin "Женис" жамоаси Moldovanning "Шериф" klubiga қарши mайдонiga tushdi. Учрашuvlar 1:2 va 3:2 ҳисобида yakunlani, қозoғistoniklar musobaқani tark etishdi.

ЭНГ "ҚИММАТ"

ЎЙИНЧИЛАР

Жаҳон чемпионатida ўз iktidorini namoyishi etgan futbolchilarining transfer bозорidagi obrou-этиborigi ortdi. Masałan, championat davomim-

da Braziliya terma жамоаси safiida tўp surgan Ronaldino Angliya terma жамоасi bilan bўlib ўtgan учрашувda David Simen darvazasiga chiril gol kiritgani ёdingizda bўlsa kerak. Шу заҳоти ungta talabgor klublar kўpайдi. "Barcelona", "Deportivo", "Milan" va "Bavaria" Ronaldinoni ўzlariiga taklif қилишиди.

Яна бир braziliyalik, 28 ёшли ярим ҳимоячи Rivaldo устида анча tortishuvlar bordi. Niҳоят, u уч йил давомида, Йилига 4,8 million euro miқdoriда maosh olib "Milan" taribiда tўp suradigan bўldi. Milanliklar ungta villa ҳам ҳадa қillildilar.

Испанияning "Valensia" klubi va Argentina terma жамоасi ўйинchisi Kili Goncalesni "Barcelona"ga ёки 15 million funt tўlaш istagini bildirgan Italiyaning "Inter"iga borasmi, degan savor қiynamoқда.

Евropa transfer bozori этиborigi tortgan ягона rossiyalik futbolchi "Spartak" жамоаси futbolchisi Dmitriy Sichevdir. "Milan" uning учун 9 million funt tўlaш tayёр. Ushbu жамоанинг doimiy raқibi "Inter" ҳам bu "chaptast" йигит" ga "xaridor" эканligini bildirdi.



MANZILIMIZ:
700029,
Toshkent,
Yunus Rajabiy
ko'chasi, 1

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.

Bosh muharrir
Shuhrat
MURODOV

Bosh muharrir
o'rinnbosari v.b.
Murod TILLAYEV

Mas'ul kotib
B. AZIMOV
Navbatchi:
B. TOSHEV
Musahihlar:
M. AKRAMOVA
G. XOLIQOVA

Sahifalovchi:
A. MIRZAMUHAMEDOV

TELEFONLAR:
Bosh muharrir
o'rinnbosari 139-75-69.
Mas'ul kotib 139-73-88.
mxbirlar
bo'lumi 139-75-69.
Buxgalter 139-75-37.
Faks 54-37-91.

Gazeta tarqatish masalalari
bo'yicha murojaat uchun
faks: 54-37-91
Tel.: 59-23-08

E-mail:
urmvd@globalnet.uz

Bizning hisob
raqamlarimiz
O'zbekiston Respublikasi
Markaziy banki
Toshkent viloyati
Bosh boshqarmasi,
hisob raqami:
21596000500447980001,
MFO 00025.

ABN AMRO Bank MB
O'zbekiston A.J.
2021000300447980002
MFO 00831,
i/r 5033853
INN 200637499

Ko'chirib bosishda
«Postda»dan ekanligini
ko'rsatish shart
Muallifning mulohazasi
tahririyat fikriga mos
tushmasligi mumkin.
Qo'lyozmalar tahlil
qilinmaydi va
qaytarilmaydi.

Gazeta O'zbekiston
Respublikasi Davlat matbuot
qo'mitasiga 00007 raqam
bilan ro'yxatga olingan
Buyurtma Г – 645.
Hajmi – 4 bosma taboq.
Bosilish – ofset usulida.

Bosishga topshirish
vaqt – 19.00.
Bosishga
topshirildi – 19.00.

Obuna raqamlari:
Yakka tartibda – 180
Tashkilotlar uchun – 366
42.036 nusxada chop etildi.

«SHARQ»
nashriyot-matbaa
aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Buyuk Turon ko'chasi
41-uy.
1, 2, 3, 4, 5, 6.